# КАДРЛАР ЎЗИМИЗДАН ЧИҚАДИ

**Рисолатхон вақтнинг югуриклигидан ҳайрон. Кечагина мактабнинг биринчи синфига ўзи етаклаб олиб борган ўғли Мурoджон бугун 9-синфни битириб, таянч маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани қўлига олди. Ўғлини қайси ўқишга киритиш ҳақида ўйланиб ўтирган бир пайтда ҳовлисига кириб келган девор-дармиён қўшнисига маслаҳат солди:**

– Яхши биласиз, Муроджон ёлғиз ўғил. Қизларимдан кейин тилаб-тилаб олганман. Шаҳарга ўқишга юборишга кўнглим чопмаяпти. Амакингнинг ёнига кириб, дўконда ишла десам, маълумотсиз бўп қолавераманми, дея кўнмаяпти. Нима қилишни билмай, бошим қотаяпти.

– Ким сизни тушунган аёл дейди?! – гап бошлади қўшниси Назокатхон. – Туманимизда бўлаётган ўзгаришлардан хабарингиз йўқми? Шаҳар-шаҳар дейсиз, ахир ўзимизда ҳам коллеж қуриляпти-ку. Наҳот эшитмаган бўлсангиз?

Бу суҳбатдан сўнг Рисолатхоннинг дили ёришди.

Дарҳақиқат, Назокатхон хабарини етказган ушбу Саноат ва сервис хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи Ўртачирчиқ туманининг Чиғириқ қўрғони ҳудудида бунёд этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад туманда фаолият юритаётган кўпгина корхоналар, чунончи «Spentex Tashkent Toytepa» Ўзбекистон – Ҳиндистон, «TSI Қорасув пахта» Ўзбекистон – Швейцария, полиэтилен ишлаб чиқарувчи «Dasen International» Ўзбекистон-Корея, «Секко Александри» Ўзбекистон – Италия қўшма корхоналари ҳамда Бектемир пахта тозалаш заводи, «Тўйтепа металл қурилмалари» корхонаси учун малакали мутахассис кадрлар етиштириб беришдир. Айрим меҳнат жабҳаларида кадрларнинг етишмаслиги ишлаб чиқариш тизимига бир мунча салбий таъсир кўрсатаётганлиги сир эмас. Эндиликда нафақат туман, балки вилоят, қолаверса республика иқтисодиётига муносиб улуш қўшиб келаётган ушбу саноат тузилмаларида маҳаллий кадрлар меҳнати билан хорижникидан қолишмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Коллеж қурилиши лойиҳасининг умумий қиймати 1 миллиард 826 миллион сўм. Бу ерда «Бинокор қурилиш таъминот» хусусий корхонаси тендер ғолиби сифатида фаолият юритмоқда.

– Мамлакатимиз мустақиллиги байрамига бағишлаб туман аҳлига муносиб туҳфа тайёрлаётганлигимиз жамоамизга катта куч бағишламоқда, – дейди корхона раҳбари Баҳодир Хайитбоев. – Қолаверса, қурувчиларимиз кучи билан барпо этилаётган ушбу илм масканида саноатимизнинг эртанги мутахассислари етишиб чиқишади.

Коллеж 540 ўринга мўлжалланган бўлиб, 3 та ўқув корпуси, 1 та замонавий спорт зали, кўркам ошхона, устахона ҳамда мажлислар хонасидан иборатдир. Эшик ва ромларни ўрнатишда замонавий пластик маҳсулотлардан фойдаланилаётир. Аҳамиятли томони шундаки, коллежнинг қад ростлаши учун муносиб жой танланган. Чунки Чиғириқ қўрғони аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан ҳисобланиб, яқин атрофда 10 га яқин умумтаълим мактаблари бор. Энди мактаб битирувчилари таҳсилни давом эттириш учун узоққа боришларига ҳожат йўқ.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



**СУРАТДА:** қурувчилик касби нақадар шарафли эканлигини чуқурроқ ҳис этгани сари бригадир Озод Халимовнинг кўнгли тоғдай кўтарилади.
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Фестиваль

## БЕБАҲО МЕРОСГА ЭҲТИРОМ

**Ўзбек халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бетакрорлиги ва жозибаси билан нафақат юртимиз, балки олам аҳлини ўзига мафтун этиб келган. Айниқса, мустақиллик йилларида бу бебаҳо меросимиз, миллий қадриятларимиз муносиб баҳосини топмоқда, уларни янада оммалаштириш, айниқса, ёш авлод шуурига мустаҳкам сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Халқ ўйинларимиз, миллий спорт беллашувларимиз дунёнинг қай нуқтасида, қай нуфузли майдонида намойиш этилмасин, рўйи заминга халқимизга хос самимийлик, беғуборлик ва донишмандликдан ҳикоя қилиб тургандек.**

Қадриятларимизнинг ажралмас бир бўлаги бўлган халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини авлодларга борича етказиш ҳамда янада сайқал топтириш мақсадида бир неча йилдирки, юртимизда «Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари» анъанавий фестивали ўтказиб келинмоқда. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоятимиз ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган бу галги фестивалга Чирчиқ шаҳри мезбонлик қилди. Шаҳардаги Олимпия захиралари коллежининг замонавий футбол майдонида уч кун давом этган анжуман аждодларимизнинг юксак маданияти, бебаҳо фазилатлари, нозик диди ва маънавиятини яна бир бор намойиш этди, десак хато бўлмайди.

Фестивалда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари ўзлари тайёрлаган миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини маҳорат билан ижро этдилар. Фольклор-этнографик гуруҳлар, бахши ва дорбозларнинг чиқишлари ҳам томошабинларнинг ҳайрат ва олқишига сазовор бўлди. Фестиваль мавзуига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам иштирокчи ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда барча жамоалар ўзларига хос тарзда, муносиб иштирок этишга ҳаракат қилиб, турли номинациялар бўйича ғолиб топилган бўлсалар, фестивалнинг бош соврини – Гран при Бухоро вилояти вакилларига топширилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ОИЛА БЕКАЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК

**«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида вилоятимиз шаҳар-туманларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда кичик тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Қибрай туманида янги ўқув марказининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

– Марказ Япония ҳукуматининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан кичик кўламдаги ижтимоий лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш доирасида ташкил этилди, – дейди Қибрай тумани Қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш маркази раиси Нодира Акромова. – Бунинг учун улар томонидан 20 минг 176 АҚШ долларилик тикув машиналари, компьютер, ўқув семинарлар ва бошқа амалий машғулотлар ўтказиш учун мебель жиҳозлари келтирилди. Ўқув-машғулотлари тикувчилик, компьютер саводхонлиги ҳамда оила бекалари учун пазандалик йўналишларида олиб борилади. 300 нафар хотин-қиз бир ой давомида бепул таҳсил олади. Уларнинг дастлабки 42 нафари машғулотларни тамомлаб, ўқув марказининг махсус сертификатига эга бўлди.

Тақдимот маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиласи Хироко Китомура хоним ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

# УСТА БУРХОННИНГ КИЧИК ЦЕХИ

– Кенжа сингилни узатаётувдик, – гап бошлади уста ҳузурига шаҳардан келган харидор саломаликдан сўнг. – Сиздаги мебелларни сифатли, бежирим ва арзон дейишди...



– Марҳамат, бунга иқрор бўлишингиз учун аввало устахонамиздаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечиринг, – деди уста. – Кейин гузаримизда очилган мебеллар савдоси ва кўргазмаси билан танишинг. У ерда сиз дидингизга мосини, ёққанини танлайсиз.

Ангрендаги Грум маҳалласида фаолият юритаётган кичик цехнинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Дурадгор Бурхон Нозимов маҳалла фаоллари ёрдами билан уй шароитида кичик цех очди-ю, айниқса, қиз узатиш ёхуд янги уйга кўчиб ўтиш ҳаракатида юрганларнинг оғири енгиллашгандай бўлди.

Яхшиликнинг қаноти бор, дейишади. Бурхон устанинг қўлидан чиққан уй жиҳозлари қўшни туман ва шаҳарларга ҳам кириб борди.

– Бизнинг Олмалиқда уй жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар кўп, – дейди "Олмалиқметалл" қурилиш трести бошқарувчиси Сотиболди Умаралиев. – Лекин Бурхон Нозимов цехида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи ҳам бозордагига нисбатан 30 фоизга арзон.

– Маҳалламизда ҳунармандлар, тадбиркорлар кўп, – дейди маҳалла қўмитаси раиси Холхўжа Юнусов. – Давлатимизнинг 2006 йил 20 сентябрдаги "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг йил бошида қабул қилган "Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мақсад ва вазифаларнинг янада фаоллашувига кўмаклашмоқда. Мустақиллигимиз берган мана шу имкониятлардан руҳланиб Бурхон Нозимов бошқараётган кичик цехни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кўпайтириш ва янги ускуналар сотиб олиш мақсадида 3 миллион сўмдан зиёд микрокредит жалб этиляпти.

Ҳозирги кунда цехда 4 киши меҳнат қилади. Ишлаб чиқариш билан бир қаторда эскирган жиҳозларни қайта таъмирлаш ҳам йўлга қўйилган. Келгусида бу ерда оила аъзоларидан ташқари маҳалладаги ўнга яқин киши ишли бўлади.

– Ишлаб чиқарилаётган уй жиҳозларига албатта эҳтиёж катта, – дейди Бурхон Нозимов. – Бозорни ўрганган киши янгиликка интилади. Мақсадимиз, янги турдаги, бежирим кўринишдаги, замонавий, рақобатбардош уй жиҳозлари тўпламини яратиш, ишлаб чиқариш сифат ва самарадорлигини оширишдир.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Бурхон Нозимов шогирди билан.
**Муаллиф олган сурат.**

Партия ташкилотларида

**Мамлакатимизда эркин демократик жамият қуриш жараёнида хотин-қизлар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада самарали чора-тадбирлар белгиланиб, изчил ҳаракатлар пировардида бугун хусусий тадбиркорлар, деҳқон-фермерлар, савдо-сотиқ соҳасидаги ишбилармон аёллар сафи муттасил ортиб бормоқда.**

# ФАОЛЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Хотин-қизлар фаоллигини ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, қай соҳада бўлмасин, фуқаролик жамияти қуришда уларнинг ролини оширишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси қошида «Фаол аёллар» қаноти ташкил этилган.

Қибрай туманида ўтган вилоят фаол аёллари конференциясида Президентимизнинг мазкур масалага доир Фармон ва қарорлари, партия ҳаракат дастури вазифаларининг бажарилиши сарҳисоб қилинди. Конференцияда вилоят партия кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, шунингдек, бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг фаол аёллари иштирок этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда партиянинг вилоят ташкилоти аъзоларининг сафи 26 мингдан ошди. Улардан ўн мингдан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Партия ташкилотлари жамиятда аёлларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган мақсадли сиёсатнинг изчиллигини таъминлашга муҳим эътибор қаратиб келаяпти. Партия кенгаши электоратининг салмоқли қисмини аёллар ташкил қилар экан, демакки, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини ошириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

– Юртимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, уларни бахтли, саодатли қилиш, инсонийликни улуғлаш борасида давлат аҳамиятига молик ишлар амалга оширилмоқда, – дейди партия вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова. – «Фаол аёллар» қанотининг бош мақсади – жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий нуфузини ошириш, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, ногирон, пенсионерларнинг давлат томонидан ҳимояланиши борасида партия илгари сураётган ғояларга эришишда фаол иштирок этишдир.

2005-2007 йиллар давомида аёлларни иш билан таъминлаш вилоят дастурига кўра, ўтган 6 ой давомида 10 минг 874 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 134 фоизга бажарилди. Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини, аҳолининг ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини тиклаш масалаларига эътибор кучайтирилаётир.

Жумладан, жамоа шартномаларига киритиш орқали иш берувчилар маблағлари ҳисобидан ўтган даврда 67 та корхонада 121 нафар ишловчи аёлларга оналик ва болалик масалаларида қатор қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратилди. 891 корхонада 4 минг 877 нафар кўп болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. 119 ташкилотда 161 нафар камқонли аёлни жойлардаги тиббий муассасаларда корхона ва ташкилотлар ҳисобидан бепул даволаш йўлга қўйилди. Санаторийларда 900 га яқин аёллар соғломлаштирилиб, бу мақсадларга ижтимоий суғурта бадалидан 185 миллион сўм маблағ сарфланди. 200 нафардан зиёд аёлга сиҳатгоҳларда соғлиғини тиклаш учун бепул йўлланмалар берилди.

Конференция қатнашчилари изчил ислоҳотлар жараёнида аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Конференцияда ташкилий масала ҳам кўрилди. Унга кўра вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббускор гуруҳининг раҳбари этиб Адиба Аҳмаджонова сайланди.

Шу куни Қибрай тумани Оққовоқ қишлоғи тадбиркорлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намуналаридан кўргазма ҳам ташкил этилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТИБ

**Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Меҳр нури" хайрия жамғармаси ташаббуси билан таъсис этилган Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури бўйича саралаш босқичи бўлиб ўтди.**

Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурида иштирок этиш учун бу йил бир минг икки юз нафарга яқин талаба ҳужжат топширди.

Улар орасидан юз нафар ғолибни танлаш учун номзодларнинг аъло баҳоларга ўқиши, етакчилик қобилияти, танлаган мутахассислиги ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга бўлган интилиши билан боғлиқ жиҳатлар алоҳида инобатга олинди.

Ғолибларга бир ўқув йили давомида қўшимча рағбатлантирувчи стипендиялар тўлаб борилади. Ўз иқтидори, ижодий салоҳиятини ўқув йили давомида тўлақонли намоён этган иштирокчиларга стипендия келгуси йилга ҳам узайтирилиши мумкин.

Дастурнинг янги ғолиблари шу йил сентябрь ойида ўтадиган тантанали тақдирлаш маросимида эълон қилинади.

Тақдимот

**Мамлакатимизнинг Брюсселдаги элчихонасида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишланган видеофильмлар тақдимоти бўлиб ўтди.**

## ТОШКЕНТ БЕЛЬГИЯЛИКЛАР НИГОҲИДА

Унда Бельгиянинг ижтимоий-сиёсий доиралари, таҳлил ва тадқиқот марказлари, дипломатия корпуси, ЕИ ва НАТОга аъзо давлатлар миссияларининг вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тақдимот чоғида мамлакатимизнинг кўҳна шаҳарлари, юртимизда яшаб ижод этган, дунё цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган олим ва мутафаккирлар, давлат ва дин арбобларининг ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли ҳамда муфассал маълумотлар тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Тақдимотда қайд этилганидек, ISESCO қарори Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ислом қадриятларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, мусулмон оламининг кўҳна ёдгорликларини таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги ҳамда аҳамиятлилигининг яна бир эътирофи бўлди.

**"Жаҳон" АА.**

Болалар ёзи – 2007

## КУНЛАР ҚУВНОҚ ЎТМОҚДА

**Болаликни пошшоликка қиёс этишади. Дарҳақиқат, кичкинтойларимизнинг кўнгли нени тусаса, шуни муҳайё этамиз. Ҳеч кимдан кам бўлмасин, дея оқ ювиб, оқ тараймиз. Айни ёз кунлари табиатнинг сўлим гўшаларида жойлашган дам олиш оромгоҳлари ҳам улар учун яратилган шароитлардан биридир.**

Ҳозирда Пскент туманидаги «Тонг» болалар оромгоҳи кўплаб ўғил-қизларни ўз бағрига олган. Оромгоҳ Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли бўлиб, бу ерда комбинат ишчи-ходимларининг фарзандлари ҳордиқ чиқаришади. Ҳар йили бўлганидек бу йилги мавсумни ҳам кўнгилдагидек ўтказиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.



**СУРАТДА:** болаларнинг оромгоҳда ўтаётган ҳар бир дақиқаси мана шундай қувноқ кечмоқда.
**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

# ЭЪЗОЗ

**Йўриқчи-механик Фёдор Лини янгийўллик автомобиль ҳайдовчилари орасида танимаган киши бўлмаса керак. У умрининг 40 йилини Янгийўл шаҳар автомобиль мактабида ёш курсантларга ҳайдовчилик сирасрорларини ўргатишга бахш этди.**

Қўқон автомобиль йўллари техникумида автомобилларни эксплуатация қилиш бўйича механик мутахассислигини эгаллаган Фёдор Ли мазкур автомактабда фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлади. Кейинчалик узоқ йиллар давомида директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари сифатида ўз билим ва тажрибаларидан шогирдларини баҳраманд этиб келди. Ҳамкасблари Назар Акимов, Аҳмаджон Турсунбеков, Анвар Гулметов, Руслан Бекиров ҳамда Роман Тягайлар қаторида меҳнати билан обрў-эътибор топиб, жамоада катта ҳурмат қозонди.

Мана ўн йилдирки, Фёдор Ли оиласи даврасида кексалик гаштини суриб яшамоқда. У шаҳар Корейс маданият маркази ишларида фаол иштирок этади. Бундан ташқари, ўзига хос санъат ихлосманди ҳам. Марказ қошидаги «Надежда» хор ансамблида қўшиқчи. У Янгийўл шаҳар ва туманидаги 4,5 мингдан зиёд корейсларни ўзининг хуш овози билан қувонтириб келмоқда.



**СУРАТДА:** Фёдор Ли оиласи даврасида.
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# «КАМАЛАК» ШАҲАРЧАСИГА САЁҲАТ

**Бўстонлиқ туманидаги "Тошгазтаъминот"га қарашли "Зангори олов" болалар оромгоҳида "Камалак" шаҳарчасига саёҳат уюштирилди. У "Ўзбекистон – Ватаним маним" шиори остида ўтди.**

Ёш саёҳатчиларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Камалак" болалар ташкилоти вилоят бўлими фаоллари, "Етакчи" ёшлар ўқув маркази тарғибот гуруҳи аъзолари ҳамроҳлик қилдилар.

"Эртаклар яхшиликка етаклар", "Турли мавзуларда мақоллар топиш", "Савол бериш санъати", "Мен кимман?", ривожлантирувчи "33" ўйини, "Минора қуриш" бекатларида қизғин фикрлашувлар бўлиб ўтди. Иштирокчилар Ўзбекистонда қанча миллат ва элатлар яшашини, Ватан ҳамда ватанпарварлик туйғуси инсон ҳаётида қандай кўринишларда намоён бўлишини билиб олдилар. Улар инсондаги яхши ва ёмон хислатларни саҳна кўринишлари орқали ифодалашди. Болажонларда бу саёҳат алоҳида қизиқиш уйғотди.

– Иштирокчиларга кўпроқ "Менинг касбим" интеллектуал ўйини ҳамда жамоа аҳиллигини синовдан ўтказувчи "Минора қуриш" каби маънавият машғулотларимиз манзур бўлди. Бизнинг мақсадимиз уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, кўп миллатли болажонлар ўртасида ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш эди, – деди етакчи ёшлар ўқув маркази ижрочи директорининг ўринбосари Ҳасан Усмонов. – Назаримда биз бунга эришдик.

**Севара ЎРИНБОЕВА.**

**Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, хусусан, яшаш шароитини яхшилаш, сифатли маҳсулотга бўлган талабини қондириш ва соғлигини муҳофазалаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Ушбу жараёнга Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.**



# МАНФААТИНГИЗ – ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Федерация ва унинг ҳудудий идоралари томонидан истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишда аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятларни ўз вақтида ҳал этишга доир маълумотлар мунтазам мониторинг қилиб бориляпти. Савдо, сервис, коммунал, шунингдек, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш тизимларида аниқланаётган айрим камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Федерация матбуот хизматидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида истеъмолчилардан уч мингга яқин ариза ва шикоят келган. Улар асосан истеъмолчилар фойдасига ҳал этилиб, етказилган 58 миллион сўмликка яқин зарар ундирилган.

Жумладан, Тошкент вилояти Пскент туманида яшовчи истеъмолчи З. Соатовага туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун олти юз минг сўмлик далолатнома тузилган. Ҳолбуки, истеъмолчи 188 минг 746 сўм тўлаши лозим эди. Кўрилган қонуний чора туфайли асоссиз далолатнома бекор қилиниб, истеъмолчининг хонадонига электрон ҳисоблагич бепул ўрнатиб берилди.

Бўстонлиқ туманида яшовчи Ш. Маҳкамовнинг аризасида электр қувватининг кўпайиб кетиши оқибатида ёнғин содир бўлганлиги баён этилган. Ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судига тақдим этилди. Натижада истеъмолчига етказилган моддий ва маънавий зарар ундирилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмалари томонидан ҳисобот даврида тўрт мингдан ортиқ мониторинг ўтказилди. Таҳлиллардан маълум бўлишича, савдо соҳасидаги қонунбузарликлар асосан сотилган маҳсулот учун чек бермаслик, истеъмолчига сифатни тасдиқловчи сертификатни тақдим этмаслик ва санитария қоидаларига амал қилмаслик билан боғлиқ. Тиббиёт тизимида учраётган муаммолар истеъмолчиларнинг соҳага оид хизматлардан фойдаланишда етарли маълумотга эга эмаслигидан келиб чиқаяпти.

Аҳоли саломатлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири уларнинг йодланган сифатли ош тузига бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Бу борада юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда бунинг ҳуқуқий замини бўлган "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. 2005-2009 йиллар давомида йод танқислиги касалликларини камайтириш ва профилактикаси бўйича давлат дастури изчил амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда жойларда доимий мониторинглар ўтказиляпти. Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида амалга оширилган тадбир натижасида ўттиз ҳолатда сертификатсиз туз сотилаётгани, 29 ҳолатда ош тузларининг йодланиш даражаси қониқарсиз эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолатларнинг барчасида сифатсиз ош тузларини сотиш тегишли тартибда тўхтатилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

### Сўранг, жавоб берамиз

*Дўкондан чангютгич харид қилган эдим. Лекин сотувчи кафолат қоғози бермади. Сўраганимда: «Бизнинг дўконда маҳсулотга кафолат берилмайди», деди. Буни қандай изоҳлаш мумкин?*

**Шодивой Турдиев,**
***Бекобод шаҳри.***

**Саволга Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчеҳра Аббосова жавоб беради:**

**Ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари**

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилади.

# ТАЛАБАЛАР ҒАЙРАТИ

**Мамлакатимиз ёшлари ташаббуси билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Бунёдкор–2007" талабалар отрядлари ўзига минглаб йигит-қизларни бирлаштирди. Ёзги таътил кунларида улар юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этмоқда.**

Жумладан, Тошкент давлат аграр университетининг бир гуруҳ талаба-ёшлари Ўртачирчиқ туманидаги ўқув-тажриба хўжалигида ўқиш давомида олган билимини амалиётда синаб кўрмоқда.

Пахта етиштириш технологияси, турли заракунандаларга қарши кураш усуллари ва ғўза парвариши агротехникасини пухта ўрганиши учун уларга алоҳида майдонлар ажратиб берилган. Университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари талабаларга зарур тавсия ва кўрсатмаларни бериб бормоқдалар.

Университетнинг яна бир гуруҳ талабалари Қибрай туманидаги ўқув-тажриба хўжалиги аъзоларига яқиндан кўмаклашяпти.

Тошкент вилояти давлат педагогика институтида ташкил этилган меҳнат отрядлари аъзолари ҳам вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг асосий қисми ўзлари ўқиётган таълим даргоҳидаги қурилиш ва таъмирлаш ишларига яқиндан ёрдамлашмоқда.

Бунёдкор талабаларнинг унумли меҳнат қилиши, мазмунли дам олиши учун барча шароитлар яратилган.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**



# «УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ» КЎЗ ОЧАЯПТИ

**Ўтган йили ёзда газетамизда "Уйқудаги гўзални ким уйғотади?" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Ангрен шаҳрига қарашли Янгиобод қўрғонининг тақдири ҳақида гап борганди. Муаллиф бу масканни обод ва гавжум қилиш хусусидаги мулоҳазаларини баён қилган эди. Орадан бир йил ўтди. Хўш, нима ўзгарди? Сўз – мухбиримизга.**

**Мавзуга қайтиб**

Яқинда Янгиободда бўлдим. Ёнимда, одатдагидек шаҳарчанинг норасмий, жонкуяр "мэри" – Давлат Аҳроров. Икковлон Ғафур Ғулом номи билан аталадиган шоҳкўчадан кетиб бораяпмиз. Назаримда шаҳарда одам кўпайиб қолгандек. Собиқ кинотеатр олдидаги майдонда ёш боксчилар машқ қилаяпти, йўл бўйидаги курсиларда хотин-халаж гурунглашиб ўтирибди, соя-салқин ҳовлиларда болалар қий-чув қилиб тўп тепишади, кўчадан дам-бадам турли русумдаги машиналар ўтиб турибди. Уларнинг кўпчилиги Тошкентники.

– Халқнинг кўпайиб қолгани рост, – дейди Давлат ака. – Илгари ҳеч ким турмайдиган бўш уйлар кўп эди. Энди аста-секин уларнинг эгалари чиқаяпти. Тошкент, Фарғона, Бухоро, ҳатто, Хоразм томонлардан келиб, уй сотиб олишаяпти. Одамлар тоза ҳаво билан сокинликнинг қадрига ета бошлашди, шекилли.

Давлат ака севиниб, бир йил ичида бўлган ўзгаришларни айтиб берди.

– Газетада "Уйқудаги гўзални ким уйғотади?" деган мақола чиққандан кейин баъзи бировлар қимирлаб қолди. Томлардаги катта "лаган"ларга эътибор қилдингизми?

– Телевидение ишга тушдими?

– Ҳа. Ер йўлдошига уланадиган антенна ўрнатдик. Энди Тошкент билан Россия дастурларини бемалол кўряпмиз. Радио ҳам ишга тушди.

– Бу ерга энди почта билан телефон керак экан.

– АТС тайёр. Дукентдан махсус кабель ўтказилаяпти. Иш битса, Янгиободдан туриб, Ўзбекистоннинг исталган ерига бемалол телефон қилаверасиз.

Янгиободдан уч чақиримча нарида, арчазор тоғлар бағрида эски сайёҳлик базаси бор эди. У неча йиллар қаровсиз ётди. Бултур уни бир маҳаллий тадбиркор қўлга олибди.

– Мен илгари ўша турбазада ишлаганман, – дейди Давлат ака. – Жуда чиройли, юзлаб одам дам оладиган жой. Агар у тўла таъмирланиб, ишга тушса, Янгиобод қайтадан халқимизнинг сулув оромгоҳларидан бирига айланади.

– Ухлаб ётган ўша гўзал кўз очади, денг?

– У аллақачон кўз очган, – кулади Давлат ака. – Энди у бир силкиниб, қаддини ростлаши керак.

Янгиободни силкитиб ўрнидан турғизадиган омиллардан бири – бу шаҳар шифохонасидир. У истироҳат боғини эслатади. Кун чиқиш тарафда баланд тоғ билан ўралган шифохона бир вақтлар янгиободликларнинг фахри эди. Бу ерда кончилар учун ҳатто катта шаҳарларда ҳам йўқ шароитлар яратилганди. Ўн гектарга яқин майдонни эгаллайдиган даво масканида бир йўла умумий касалликлар, жарроҳлик, болалар бўлимлари, туғруқхона ишлаб турар, чақалоқдан тортиб, уларнинг ота-онасигача истаган муолажасини олиб кетар эди. Шарқираган сой узра солинган кўприкдан ўтиб, дарвозадан киришингиз билан шифохонанинг бугунги кўрку таровати кўзга ташланади. Бўйдор оппоқ тераклар, кумуш баргли арчалар, оқтош терилган текис йўлкалар, бир замонлар шифохонанинг ҳусни бўлган баланд ғиштин бинолар... Бу иншоотларнинг аксарияти омон сақланган, битта ҳам дераза ё ромига шикаст етмаган. Фақат... улар бўм-бўш, қачон бизнинг боғримиз одамлар ила тўларкан, дегандек, мунғайиб, шифоталаб кишиларни соғиниб турибди.

Шифохона бош врачи Раҳматхон Шокирхонов билан тангадек кун тушмайдиган ҳовлини айланиб юрибмиз. Ҳамма ёққа турфа гуллар экилган, тоғдаги чашмадан келадиган беминнат сув жилдираб ётибди, оқ терагу кўк теракларнинг ялтироқ япроқлари сарин елда чапак чалади. Атроф сув қуйгандек жим-жит. Фақат онда-сонда булбулнинг хониши эшитилиб қолади.

– Ҳозирча битта терапия бўлими ишлаб турибди, – дейди Раҳматхон. – Олти ойда 450 та беморга хизмат қилибмиз. Номига Янгиобод шифохонаси, дейилгани билан даволангани бутун вилоятдан келишади. Одамлар тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиш билан бирга муолажасини ҳам олади. Бунақа қулай шароитни топиш қийин. Фақат, анави ҳувиллаган, мустаҳкам бинолар юрагингни ачитади. Уларни енгил таъмирлаб, ишга тушириб юборса бўлади.

Ҳусан ота Пирматов Янгиобод таърифини эшитиб, олис Бекободдан келибди.

– Бу ернинг ҳавоси танга даво экан, – дейди Ҳусан ота. – Қаранг, жаннатдай жойларимиз бор экану билмай юрган эканмиз. Санаторий қилиш керак бу ерни, токи кўпчилик баҳраманд бўлсин.

Кейинги пайтда Янгиобод шифохонасини санаторий, пансионат ё профилакторийга айлантириш борасида бот-бот фикр айтилмоқда. Ангрен шаҳар ҳокими Абдулла Юнусов билан суҳбатимиз чоғида ҳам бу мавзуни четлаб ўтолмадик.

– Янгиободга соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари келишди, – деди ҳоким. – Улар шифохонани обдон айланиб кўрдилар. Бу ерни шифокорлар дам оладиган профилакторийга айлантириш керак, деган таклиф бўлди. Вазирликдан келганлар бизни қувватлашди. Бу таклиф амалга ошса, фақат Ангрен эмас, вилоятимиз аҳли учун ҳам яхши совға бўлар эди. Янгиобод тепасида қурилаётган турбаза тўла ишга тушса, касалхона профилакторийга айлантирилса, Янгиобод ўзини ўзи эплаб кетади. Бунга ишончим комил.

Ҳокимнинг бу умидбахш сўзларидан кейин мақоламизга нуқта қўйсак ҳам бўлар, деб ўйлайман.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

**«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Оққўрғон почта алоқа тармоғида ўз касбини ардоқлаётган ходимлар талайгина. Айниқса, «Қорасув», «Қўрғонтепа», «Лалмикор» алоқа бўлимлари кўрсатаётган хизматдан аҳоли жуда мамнун.**

# ПОЧТА ХОДИМЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Нафақа пулларини ўз вақтида етказиб бериш, хат-хабар, телеграммаларни эгаларига кечиктирмай элтиш, коммунал хизматлар учун тўловларни йиғишда ҳам бу бўлимларда самарадорлик юқори бўлмоқда.

Туман почта алоқаси тармоғи илғор ходимлар меҳнатини тақдирлаб, соғлиқларини тиклаш учун бир миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Бир неча ходимга қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

**Акбар АЛИЕВ.**

# ОМИЛКОР ШУНДАЙ БЎЛСА

**Бахтиёр Ҳамдамовни Оққўрғон туманида кўпчилик танийди. У ўзининг ишбилармонлиги ҳамда саховатпешалиги билан обрў-эътибор қозонган.**

Тадбиркор яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. У туман статистика бўлимининг шундоққина ёнидан дўкон очиб, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Тадбиркорнинг айтишича, у бўлим биносини ҳам таъмирлаб бериш ниятини дилига туккан.

**Феруза ТЎРАЕВА.**



**СУРАТЛАРДА:**

тадбиркор Бахтиёр Ҳамдамов янги дўконни кўздан кечирмоқда.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

***Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:***

**I. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2007 йил 24 июлдаги 212-С-сонли буйруғига асосан қуйидаги ер майдонлари мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун хусусий мулк сифатида қўйилмоқда:**

| № | Ер майдонининг жойлашган манзили | Сони | Рақамлари | Сатҳи (га) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари** | | | | |
| 1 | Ангрен шаҳар, 6/3-даҳа маҳалласи ҳудудида | 46 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11,12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46. | 0,06 | 125 280 |
| 2 | Ангрен шаҳар, Янгиобод-2 қўрғони, 14-даҳа ҳудудида жойлашган | 5 та | 1, 2, 3, 4, 5. | 0,06 | 125 280 |
| 3 | Ангрен шаҳар, Марказ-1-13-ҳудудида жойлашган | 12 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12. | 0,06 | 125 280 |
| 4 | Ангрен шаҳар, Боғи-Сурх маҳалласи, Навоий кўчасида жойлашган | 6 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6. | 0,06 | 125 280 |
| 5 | Ангрен шаҳар, Янгиобод-1 қўрғони, 14-даҳа ҳудудида жойлашган | 20 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20. | 0.06 | 59 400 |
| 6 | Ангрен шаҳар, Нурчи қўрғонида жойлашган | 24 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24. | 0,06 | 59 400 |
| 7 | Ангрен шаҳар, Нуробод қўрғони ҳудудида жойлашган | 26 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26. | 0,06 | 59 400 |
| 8 | Ангрен шаҳар, Чиғириқ қўрғони ҳудудида жойлашган | 16 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16. | 0,06 | 59 400 |
| 9 | Ангрен шаҳар, Облиқ қўрғони ҳудудида жойлашган | 20 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20. | 0,06 | 59 400 |

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 6, 13, 20, 27 сентябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу ер майдонлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади.

**II. "Тибмаҳсулот" ЁАЖнинг тугатиш бошқарув комиссияси томонидан, "Тибмаҳсулот" ЁАЖга қарашли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

| № | Автотранспорт воситаси номи | Техник тавсифи | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1 | "Дэу Супер-Салон" русумли, д/р 11 AF 060 | 1997 йилда и/ч., тех.соз | 12 885 440 |
| 2 | "Нексия" русумли, д/р 11 AF 304 | 1999 йилда и/ч., тех.соз | 6 473 340 |
| 3 | "Фольсфаген-Шаран" русумли, д/р 11 AF 696 | 1997 йилда и/ч., тех.соз | 19 885 460 |
| 4 | "Ивеко" русумли, д/р 11 AF 593 | 1996 йилда и/ч., тех.соз | 9 549 560 |

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 4, 11, 18, 25 сентябрь ва 2 октябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу ер майдонлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

**III. Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган автотранспорт воситаси аукцион савдосига такроран қўйилмоқда:**

| № | Автотранспорт воситаси номи | Техник тавсифи | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сақланаётган манзили | Ижро ҳужжати санаси ва рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "ВАЗ-21063" русумли, д/р 11 АС 563 | 1988 йилда и/ч, тех.носоз | 290 000 | Тошкент вилояти, Оққўрғон шаҳар ҳудудида | Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 24 апрелдаги 11-0723/2302-сонли суд буйруғи |

*Аукцион савдолари 2007 йилнинг 21, 28 ва 4, 11, 18 сентябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу автотранспорт воситаси сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.*

*Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади.*

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй. **Тел.:** 228-79-52.

**Интернетдаги сайтимиз:** www.rkmb.uz

